

МУСИҚИЙ ТАСВИР ВА РАНГДАГИ МУСИҚА

М.Сатторов

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий

рассомлик ва дизайн институти

“Тасвирий санъат факултети дастгоҳли
рангтасвир” кафедраси ўқитувчиси

Тасвирий санъат намуналари хақида фикр юритганимизда биз кўпинча “рангли гамма”, мусиқа асарларни талқинида эса “товушли палитра” иборасини қўллаймиз. Товушнинг жарангি рангнинг ёрқинлиги сингари мазкур икки санъат турларида ўзаро яқин атамалар орқали, хусусан, “ёрқин товуш” (мусиқа) ва товушли ранг (тасвирий санъат) кўринишида изоҳланади. Яъни, мусиқа ва тасвирий санъат турларида уларни бирлаштирувчи ранглар палитраси ва уларнинг нозик товланишлари товушлар сингари ўз ўрнига эга.

Иккала санъат турида ранг ва товушдан ташқари асарнинг пойдеворини ташкил қилган ритм асоси бўлади. Ритм-ҳар бир санъат турида маълум элементларнинг кетма–кетлик тартибини ва ўзаро келишини намоён қиласди. Ритмик такрор ёки контраст орқали рассом ва композитор майдада асар бўлакларини яхлит бирликка мужассам қилиб уни вақт, фазовий кўринишдаги композицияси, бадиий шаклини яратадилар.

Тасвирий ва мусиқа санъати намуналари тингловчи ва уни қузатиб турган томошабинларга муаллифнинг ички дунёси, кечинмалари ҳақида баён қилиб унга хос тавсифий оҳанларни намойиш қиласди. Тасвирий санъатда бу тасвирининг чизгиларини равонлигига, ўз навбатида бу куйининг сокин ҳаракати сингари келишида намоён бўлади ва томошабин билан тингловчига юмшоқлик, майинлик, тинчлик ҳақида баёнот қиласди. Тасвирий санъат намунасида муҳрланган пастга ҳаракатланувчи тасвирий чизгилар–мусиқа қаби

уни-тинчланиш, қайғу, алам, юқорига харакатланувчи штрихлар эса-қувонч, куч, ғайрат, шижаат каби хиссиётларни ўзида намоён қилади. Бу борада ритм санъат намунасини энг универсал асоси бўлиб, унинг ташкил қилиниши мусиқий, адабий ва тасвирий асарни яхлит бўлишига ҳизмат қилади. Ритм мусиқада-нота, мавзулар, товушлар сингари, ранг-тасвирда композиция, ранглар муносабати ва қаҳрамонларни очишга ҳизмат қилади. Келувчи тартиб тингловчи ва томошабинга бир ҳил ҳолатда керакли, мақсадли эмоционал жавоб ҳосил қилишига ҳизмат қилади. Албатта, мусиқани биз вақт ичидаги тингласак, тасвирий санъат намунаси бир вақтда яхлит томошабин томонидан қабул қилинади. Бироқ, тасвирий асардаги ритм хам аслида вақт ўтиши билан ўзини сеҳрини очиб боради (узоқдаги ва яқинлаги план).

Композиция, ранглар, қаҳрамонлар ёки объектларни полотнодаги жойлашуви-буларнинг бари рангли қолипга туширилган ритмдир. Ритм албатта ҳар бир санъат намунасида индивидуал у сокин (Микалоюс Чюрлёнис «Солнце вступает в знак Девы», 1906) ёки жонли харакатчан (Михаил Федорович Ларионов «Голова быка», 1913) динамика (Эдварда Мунк «Мадонна» (1894)) кўринишида бўлиши мумкин. Композиция ритмни қоғогозда тақсимланишини белгилайди мусиқада эса унинг товушли муҳрланишини тақозо этади. Бирмабир келган товушлар, полотнодаги ёзилган қаҳрамонларнинг ҳаракати, туриш ҳолати, бир бирига бўлган муносабати ва бўртириб кўрсатувчи ургуларни намойиш этишига teng келади. Тасвирий санъат намунасига қараб биз қаҳрамонлар орасидаги динамик ҳаракатни сезамиз. Тасвирий санъат намунасини ранглар муносабатисиз тасавур қилиш қийин, ранглар бутун тасвирни хаётийлик билан тўлдиради. Рангли гамма ва палитра уни тизимлаштириб ритм орқали композицияда муҳрлайди. Мусиқий аналоги сингари рангли гамма асарнинг асосий ранг-асар кайфиятини ечимини беради. Совуқ ва илик рангларга қараб ишлатилиши мумкин (мажор, минор сингари).

Мусиқа ва тасвирий санъат бошқа санъат турларига нисбатанг бир-бираига жуда яқинdir, шунинг учун ҳам бу санъатнинг ижодкорлари ижодида бир-

бирига таъсирини кўриш мумкин. Мусиқа садолари остида қилинган меҳнат унумли, мусиқа билан олинган дам мароқли бўлади. Мусиқа эса рассомларнинг илҳом париси, ижоди учун керак бўлса ғоя ҳам бўла олади. Бугунда мусиқа ва тасвирий уйғуниги масаласига эътибор қаратган олимлар бу икки санъат орасида уйғунликни излашга, умумий қонуниятларини инкишоф қилишга харакат қилиши билан эътиборга молик. Хусусан, охирги ўн йилларда мазкур масалада бир қатор илмий изланишлар амалга оширгани ва қизиқарли мақолалар чоп этилгандир.

Россиялик олима, санъатшунослик фанлари номзоди Наталия Анатольевна Сухорукованинг “Музыкальность как свойство живописи” номли мавзудаги дисертация ишида тасвирий санъатда мусиқийликнинг намойиши тарихий жиҳатдан феномен сифатида олиниб Фарбий Европа ва маҳаллий рассомчиликдаги кўринишларини тақдик қиласди.[1] Э.Делакроих, Ж.Сера, П.Синяка, А.Маттисе, К.А.Коровин, С.Чуиков каби рассомларнинг хотиралари, хатлари, мақолалари ва кундаликларда битилган фикрлар ва қўлёзмалар асосида мусиқий образлар ётгани ва бу борада уларни яратишдаги муаммолар хусусида фикр юритилади. Шунингдек, муаллиф рассом чизгиларининг мусиқийлиги намоён бўлишида ижодий усул ва жанр хусусиятларини шарҳлаб, XX аср тасвирий полотналарида образлар талқини ва уларни солиштириш асосида мусиқийлик алломатларини очишга харакат қиласди. Муаллиф Олтойнинг замонавий рассомлари ижодида мусиқийлик жиҳатларини ўрганиб, ижодкорлар портретларининг мусиқа билан алоқасини атрофлича очиб беради.

Товуш ва ранг орасидаги алоқалар кўплаб идожкорлари, жумладан ўз вақтида композиторларни қизиқтириб, бунинг асосида бир қатор мусиқий назариялар тузилишига сабаб бўлган. Хусусан, композитор А.Н.Скрябин ва Н.А.Римский-Корсаковларни товушлар ва тоналликларда маҳсус рангларни кўриши эътиборга молик бўлиб “синтестезия” муаммосини ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Композиторларни товуш ва рангларга бўлган муносабатини қўйдаги жавдалда ўрин олган:

Тональности (мажор)	Н. А. Римский- Корсаков	А. Н. Скрябин
До	красный	
Соль	желтый	коричневый
Ре	желтый	желтый
Ля	зеленый	розовый
Ми	серебристый	синий
Си	изумрудно-зеленый	темно-синий
Фа-диез	синий	изумрудно-зеленый
Ре-бемоль	розовый	коричневый
Ля-бемоль	фиолетовый	розовый
Ми-бемоль		изумрудно-зеленый
Си-бемоль		изумрудно-зеленый
Фа	розовый	зеленый

	Н.А Скрябин	Римский-Корсаков
До мажор	кизил	ок
Соль мажор	очиқ оранжевый	жигарранг
Ре мажор	сарик	сарик
Ля мажор	яшил	пушти
Ми мажор	мовий кўк	кўк
Си мажор	куюқ кўк	кулранг
Фа# мажор	ёрқин кўк	кулрангяшил
Ре бемоль мажор	тўқроқ бинафша ранг	тўқ жигарранг
Ля бемоль мажор	пурпурли бинафшаранг	кулрангроқ бинафша
Ми бемоль мажор	иссиқроқ кулранг	бериоза
Си бемол мажор	иссиқроқ кулранг	бериоза
Фа мажор	қизғишироқ пушти	майсаранг

Рус мусиқа танқидчиси В.В.Стасов (1824-1906) Санкт Петербург фанлар Академиясининг фахрий аъзоси ўз вақтида бу масалада қизиқарли ишни ёзиб қолдирган. Унинг қаламига мансуб “Живопись, скульптура, музыка” (“Расм, Ҳайкалтарошлиқ, Мусиқа”) номли асари [2] ҳам эътиборга молик. Хусусан, мазкур китоб олти қисмдан иборат бўлиб XIX аср санъатидаги тарихий шахсларга бағишиланган ва хронологик ишончли материаллар асосида факат бир маротаба нашр этилган. Энг йирик мусиқий ижодкорлардан С.Бородин, Н.А.Римский-Корсаков, Кюи, Шуман ва Берлиозлар ижодида архитектура, ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат асарларига таълуқли қимматли малумотлар ўрин олгани билан эътиборлидир.

Мусиқа танқидчиси, балетмейстер, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Россия бадиий Академияси аъзоси В.В.Ванслов “Изобразительное искусство и музыка” (“Тасвирий санъат ва мусиқа”) номли китобида [3] тасвирий санъат ва мусиқанинг ўзига хослиги, иккала санъат ўртасидаги ўзаро алоқалар, рангли мусиқадаги замонавий назариялар ва тажрибалар ва шу билан бирга муайян асарлар тахлиллари берилган. Китобда Рус ва Фарбий Европа ижодкорларининг асарлари акс эттирилган.

Француз ёзувчиси, шоир, санъатшунос, замонавий Париж миллий театрининг асосчиси Жанн Кассу “Живопись, графика и скульптура - литература музыки” (“Тасвирий санъат, графика ва ҳайкалтарошлиқ-мусқанинг адабиёти”) номли символизм энциклопедияси ҳам мусиқа ва тасвирий санъат борасида изланишлар олиб борища ва ундаги маълумотлардан фойдаланиш имконини беради. [4]. “Символизм энциклопедияси” ўзига хос мураккаб ва маълум маънода зиддиятли нашр бўлиб XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳайкалтарошлиқ ва мусиқада машхур бўлган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди баён этади. Шу билан бирга Энциклопедияда 300 дан ортиқ расм намуналарининг тарифи берилган.

Рус олимаси Л.В Саввинанинг “Музыка и живопись первой половины XX века: параллели и взаимодействия” (“XX аср биринчи ярми мусиқа ва

тасвий санъати: паралеллари ва боғлиқликлари") мақоласида[5] XIX-асрнинг бошларидаги мусиқа ва тасвирий санъатнинг аҳамияти, уларнинг ўзаро таъсири натижасида мусиқий тилнинг ўзгартириши жараёнларни идрок қилишга ёрдам беради. Мақолада XX аср бошида ижод қилган композиторлар-А.Шенберг, А.Скрябин, Н.Рославецларнинг ишларини батафсил ёритган. Ранги мусиқанинг киритилиши мусиқий асарларни мураккаб матнга айлантириши, унинг ахборот тизими мусиқий бўлмаган омиллар ёрдамида қурилганлиги хусусида қизиқарли фикр муроҳазалар ўрин олган. Мақолада қўлланилган таҳлиллар тарихий ва назарий усусларга асосланиб мазкур масалани ўрганишда янги методологик топилмалари билан эътиборлидир.

Мусиқа ва тасвирий санъат орасидаги ришталар ва улар билан боғлиқ масалалар санъатшуносликдаги ханузгача тўлиқ очилмаган бўлиб бу борада уларни ўрганиш ўз тадқиқотчиларни кутиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сухорукова Н. “Музыкальность как свойство живописи” .17.00.04-Автореф. кан.дисс. –М, 1978
2. Стасов В.В “Живопись, скульптура, музыка”-избранные сочинения часть 6. М, 2017.
3. Ванслов В. “Изобразительное искусство и музыка”- .. М,1983
4. Кассу Ж. “Живопись, графика и скульптура -литература музыка”- М, 1999 йил.
5. Саввина Л. “Музыка и живопись первой половины XX века: параллели и взаимодействия”//Ж, Вестник Адыгейского государственного университета. Сер-2: Филология и искусствоведение. –Р.,2009.